Куч — адолатда

2015 йил
23 январь,
жума
№ 3 (516)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, сиҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Сизларни сайловчиларимиз, халқимизнинг юксак ишончини қозониб, сенатор деган шарафли номга сазовор бўлганингиз билан самимий табриклаб, фаолиятингизда янги омадлар тилайман.

Ҳаммамизга маълум: роппа-роса ўн йил олдин парламентимизни — бир палатали Олий Мажлисимизни икки палатали парламентга ўзгартирган эдик. Яъни, қуйи палата — профессионал асосда доимий фаолият кўрсатадиган Қонунчилик палатаси ва юқори палата — вакиллик асосида иш олиб борадиган Сенатнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳисобидан, Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси 14 та субъекти — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланиши белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгариш ва ислоҳотларни амалга оширишда чуқур маъно-мазмун борлигидан барчангиз албатта хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистонимизнинг узоқ ва бой ўтмишини, унинг ўзига хос, ўзига мос томонларини ва жўғрофий хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз таркибига кирадиган 14 та субъект — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бири ўз тарихи, керак бўлса, бошқалардан фарқ қиладиган иқтисодий-ижтимоий белги ва аломатлари, бетакрор маданияти, анъаналари билан ажралиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан, хаёлимиздан чиқармасликни ҳаётнинг ўзи талаб қилади.

Иқтисодиётимиз қонуниятлари шуни тақозо этадики, агар ҳар қайси ҳудуд — бу вилоят, туман ёки шаҳар бўладими — уларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш бўйича режаларимизни тузиш ва тасдиқлаш пайтида авваламбор айни шу жиҳатларни инобатга олмасак, бундай сиёсат ҳеч кимни қониқтирмайди ва эртага турли муаммоларга дучор бўлишимиз турган гап.

Иккинчидан, парламентимиз ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган, замонавий парламентаризм фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этадиган **мувозанат ва тийиб туриш тизимини яратишни** биз ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини **доимий профессионал тарзда олиб боришини эътиборга олган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш назарда тутилган эди.**

Тўртинчидан, Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш кўзда тутилган эди.

Бешинчидан, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги **иштироки кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилиб, шу борада юқори палата — Сенатнинг вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органлари депутатларидан сайланиши белгилаб қўйилган эди.**

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, барчамизга аёнки, Сенат аъзолари аввало жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг депутатлари — вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Яъни, сиз, ҳурматли сенаторлар, шуни яхши тушуниб олишингиз керакки, биринчи навбатда сизларга ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган ўз сайловчиларингиз олдида масъул ва жавобгарсиз.

Нега деганда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий кенгашларининг ҳар бири 6 нафар депутатни Сенатга вакил қилиб юборган экан, уларнинг ҳисоботини эшитиш ва фаолияти ҳақида хулоса чиқаришга албатта ҳақлидир.

Шу маънода, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишда Сенатнинг ўрни ва аҳамияти, шу билан бирга, масъулияти нечоғлиқ катта эканини доимо ёдда сақлашингиз лозим. Чунки биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Сиз, ҳурматли Сенат аъзолари, бу муҳим масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фаолиятингизни айнан шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлаши билан Президентнинг баъзи ваколатлари Сенатга ўтказилди. Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан амнистия эълон қилиш, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлди.

Бундан ташқари, Сенат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширмоқда. У ҳар йили давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқади, унинг бажарилишини назорат қилади, давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

Бугунги кунда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг самарасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни юксак демократик савияда ўтказиш борасида катта иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида биз амалга ошираётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси Сенат фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Айни шу масалалар бўйича Олий Мажлис палаталарининг эртага бўладиган қўшма йиғилишида атрофлича гаплашиб оламиз.

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгиланган. Ана шу нормага биноан, кўпгина маслаҳатларга асосланиб, мен Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига сенатор Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев номзодини тақдим этмоқчиман.

Ниғматилла Йўлдошев 1962 йилда, Тошкент шаҳрида туғилган, ҳуқуқшунос.

2011 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Йўлдошев меҳнат фаолиятини Олмалиқ шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси лавозимидан бошлаб, прокуратура идораларида катта терговчи, бошқарма прокурори, бўлим бошлиғи, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Меҳнат фаолияти давомида орттирган катта амалий ва ҳаётий тажрибаси, билими, касбий маҳорати ҳамда ташкилотчилик ва талабчанлик қобилиятини эътиборга олган ҳолда, Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошев Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига ҳар томонлама муносиб номзод, деб ҳисоблайман.

Энди Сенат раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат раиси ўринбосари лавозимига сенатор Светлана Боймирзаевна Ортиқованинг номзодини тавсия этаман.

Светлана Ортиқова 1962 йили Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1987 йили ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос, кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораларида хизмат қилган, 2010-2014 йиллари Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган.

2014 йилдан буён Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўйлайманки, бу кишини ҳам кўпчилик, шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади. Аввало, унинг етарли билим ва тажрибасини, малака ва маҳоратини, обрў-эътиборини юксак баҳолайди, десам, хато бўлмайди.

Маълумки, Конституциямизнинг 86-моддасига асосан Сенат раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлиши белгилаб қўйилган. Мен бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси вазифасида ишлаб келаётган сенатор Муса Таджетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман. Ўйлайманки, бу номзодни ҳам барчангиз яхши танийсиз, унинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида атрофлича маълумотга эгасиз.

Муса Ерниязов 1947 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида туғилган, муҳандис-электрик. Меҳнат фаолияти давомида турли масъулиятли лавозимларда фаолият юритган ҳамда катта амалий тажриба тўплаган. Жумладан, қурилиш трестида муҳандис, участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси, Чимбой тумани ҳокими, Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Муса Ерниязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган даврида ўзининг ташкилотчилик ва талабчанлик хусусиятларини кўрсатган.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. Сенаторлар Сенат биринчи мажлисининг котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича назорат гуруҳини сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Мажлисда Сенатни шакллантириш очиқлик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ўтгани таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма мажлисларида 84 сенатор сайланди. Президентимиз томонидан 16 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Сенат давлат ва жамият фаолиятининг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида алоҳида хизмат кўрсатган, катта ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролардан шакллантирилгани қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис иштирокчилари Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Ниғматилла Йўлдошевни, Раис ўринбосарлари этиб Светлана Ортиқова ва Муса Ерниязовни сайлади.

Мажлисда сенаторлар Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Ташқи сиёсат масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарини ташкил этди ҳамда уларнинг раисларини сайлади. Сенатнинг Регламент ва одоб комиссияси ҳам тузилди.

Мажлисда кўрилган барча масалалар юзасидан Сенат қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

ЎзА

Islohot va samara

Юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизими

изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда

Истиқлолнинг илк давридаёқ Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" тамойиллари асосида бугунги кунда мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш борасида кенг қамровли ва босқичма-босқич ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.



Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ушбу туб янгиланишлар, ўз навбатида, турли соҳа мутахассислари қатори замонавий мезонларга жавоб берадиган юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларга бўлган талабни ҳам оширгани табиийдир.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган **"Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори бу йўналишда муҳим тарихий ва дастурий ҳужжат бўлди.

Ушбу қарор асосида Тошкент давлат юридик институти бутунлай янги, янада нуфузли олий таълим муассасасига — Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди. Шу билан бирга, ушбу таълим даргоҳи юриспруденция мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг базавий давлат олий таълим илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Бу каби юксак мақом, ҳеч шубҳасиз, Тошкент давлат юридик университетининг мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ва мавқеини тубдан оширди.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, электр энергияси таъминоти идораси ходими қандай ҳолатларда электр энергияси беришни тўхтатиб қўйиши мумкин?

И.ИБРАГИМОВА,
Тошкент вилояти, Ғазалкент тумани

— Маълумки, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси:

- электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режими бузилганда;
- ҳудудий электр тармоқларига электр қурилмалари ўзбошимчалик билан уланганда;
- электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;
- фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин.

Ушбу ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни қайта тиклайди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун берилган рухсатномани йўқотиб қўйдим. Айтинг-чи, ушбу ҳужжатнинг нусхасини олишим мумкинми?

Д.ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти, Поп тумани

— Ҳа, мумкин. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига асосан, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра, унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган ариза, шунингдек, ҳужжат яроқсиз ҳолга келган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликати берилганлиги учун тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолда йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

Айтинг-чи, уй-жой ижараси шартномаси қанча муддатга тузилади ва ижара учун ҳақ тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

Бахтиёр ҚЎЧҚАРОВ,
Навоий вилояти, Навбаҳор тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади, агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган ҳисобланади. Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

Шунингдек, уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори Фуқаролик кодексининг 611-моддасига мувофиқ,тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти, қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши,агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилмаган бўлса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

— Аавтотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси қандай тартибда расмийлаштирилади?

Қ.ВАЛИЕВ,
Пахтакор тумани

— Автотранспорт воситалари ва ўзиюрар машина ҳамда механизмларни, уларнинг рақамли агрегати ва тиркама, ярим тиркамаларини бошқа шахсга ўтказиш битимларини тасдиқлашда ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс, аввало, нотариусга мурожаат қилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7-мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган "Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тўғрисида"ги Низомга асосан, автомашина олди-сотди шартномаларини нотариус томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига, ҳудудий жойга эга бўлган гербли (махсус) бланкларда амалга оширилади. Бунда олди-сотди шартномаси бўйича битимнинг биринчи нусхаси гербли (махсус) бланк олувчига берилади, яна бир нусхаси эса, нотариал идорада сақлаш учун қолдирилади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Munosabat

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

улар чуқур ҳаётий асосга эга ва юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг манфаатларига тўла жавоб беради

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 январь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида мамлакатимизнинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари муҳокама этилди ва жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига, жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашганлигига ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида стагнация ва рецессия жараёнлари чуқурлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда ўтган йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари аниқ мақсадни кўзлаб ва тизимли равишда амалга оширилди. Натижада юртимизда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларига эришилди.





Бу ҳақда сўз борганда, аввалам-бор, 2014 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми — 6,9 фоизга, капитал қурилиш ҳажми — 10,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 14,3 фоизга ўсганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматли тайёр товарлар ташкил этди.

Иқтисодиётнинг тадрижий ва мутаносиб ривожланиши аҳоли ҳаёти даражаси ва сифати изчил ошиши учун мустаҳкам негиз яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ўтган йили 23,2 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Айниқса, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Шунга яраша, яъни одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса, уйни совутиш-иситиш воситаларидан фойдаланаётгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида аҳолининг мутлақо янги авлод телевизорлари — плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани юртимиз оилалари фаровонлиги юксалиб бораётганининг яна бир ёрқин мисолидир. Бу ҳақда тўхталар экан, **"бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан юртимизда ишлаб чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғурур бағишлайди"**, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Маълумки, иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу маънода мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион 200 минг кишидан ошгани алоҳида қайд этилгани бежиз эмас. Бинобарин, бу кўрсаткич юртимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Ўз навбатида, интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Шунингдек, ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди. Абонентларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайгани ҳам диққатга лойиқдир.

Айтиш керакки, ўтган йилда мамлакатимизда қарийб 1 миллион иш ўрни ташкил этилди, улардан 60 фоизи қишлоқ жойлардадир. Кези келганда, 2014 йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланганига эътибор қаратиш жоиз. Зеро, бу яққол натижа юртимизда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолаётганидан далолат беради.

Бу йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларга эришиш, шу жумладан, кекса авлод вакилларига, аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига зарур даражада эътибор бериш энг аҳамиятли масалалардандир. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, **бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизматлари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз, деб қабул қилишимиз даркор.**

Шу мақсадда, Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида кексаларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини янада ошириш, эҳтиёжмандларни реабилитациянинг қўшимча ва техник воситалари билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Мухтасар айтганда, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш борасидаги ишларни давом эттириш ва янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил юксалтириб бориш бўйича 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Буларнинг барчаси, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **муқаддас ва саховатли заминимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсоннинг манфаатларига тўла жавоб берадиган, чуқур ҳаётий асосга, амалга оширишнинг реал имкониятларига эга бўлган вазифалардир**. Бу эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқиши, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва тотувлик муҳитининг барқарор бўлиши, ўз навбатида, ҳар биримиздан зиммамизга ишониб топширилган вазифаларни юксак даражада масъулият билан адо этишимизни тақозо қилади.

Бобомурод РАЙИМОВ

Saboq

Йўл ҳаракати

Истиқлол йилларида миллий автомобилсозлик саноати иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам бу ҳақда сўз борди.

Президентимизнинг ушбу мажлисдаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили "Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси" масъулияти чекланган жамияти базасида "Дамас" ва "Орландо" русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимиз автомобилсозлик саноатининг яна бир мустаҳкам таянчи бўлмиш мазкур замонавий корхона йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Демак, яқин келажакда йўлларимизда турли русумдаги замонавий автомашиналар сони ҳозиргига нисбатан янада изчиллик билан кўпаяди. Бу, албатта, юртимизда аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси тобора ортиб бораётганининг ўзига хос кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига, яъни йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш — мамлакатимиз саноатини жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилаётгани ҳақида тўхталиш жоиз. Бу ҳақда сўз борганда, биргина ўтган йилнинг ўзида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, 116 километрдан иборат икки йўналишли йўл кенгайтирилиб, тўрт йўналишли қилиб қайта қурилган. Натижада ушбу йўлларда қатнов уч баробар ошди.

Кенг ва равон йўлларимизда замонавий автомобилларнинг кўп бўлгани жуда яхши, албатта. Шу билан бирга, мазкур транспорт воситаларини бошқарадиган юртдошларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига нечоғлик риоя қилиши ҳам ўта муҳим. Чунки йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиш инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Афсуски, ҳаётда транспорт воситасини белгиланганидан юқори тезликда ёки маст ҳолатда бошқарадиган ёхуд йўл белгиларига амал қилмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Бу, ўз навбатида, турли хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига, фуқароларнинг ҳам соғлиғига, ҳам мол-мулкига зарар етишига сабаб бўлади.

Мисол учун Э.Зокиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йилнинг 3 ноябрь куни кечки пайт "Нексия" русумли автомашинасини "Жиззах-Ғаллаорол" йўлида бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 22.2-банди 2-қисмини қўпол равишда бузади. У қоидага амал қилмасдан ҳаракатни давом эттириб, йўлнинг ўнг томонига ўтаётган пиёда Д.Бердиқуловни автомашинаси билан уриб юборади.

Ҳодиса оқибатида Д.Бердиқулов ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олади. Ҳайдовчи Э.Зокиров ўзининг ушбу қилмиши билан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Islohot va samara

Юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизими

изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган талаблар асосида ўтган қисқа даврда Тошкент давлат юридик университетида юридик кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Авваламбор, бакалавр ва магистрларни тайёрлаш билан боғлиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва дастурлари қайта ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Университетда юридик кадрлар тайёрлашнинг бакалавр босқичи бешта соҳа мутахассисликлари, яъни давлат-ҳуқуқий фаолият, фуқароликҳуқуқий фаолият, жиноий-ҳуқуқий фаолият, тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият ва халқаро-ҳуқуқий фаолият йўналишлари бўйича ташкил қилинди. Бунда тегишли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, махсус фанларнинг ўқув соатлари кўпайтирилди ва ўқув режа йўналишига мос равишда мақбуллаштирилди.

Ҳозирги кунда бакалавр босқичида ўқитиладиган фанларнинг сони 58 тадан 40 тага камайтирилди. Шу жумладан, махсус фанлар 10 фоиздан 30 фоизга, яъни 3 баравар кўпайтирилган бўлса, умумкасбий фанлар 53 фоиздан 42 фоизга, математика ва бошқа табиий фанлар 9 фоиздан 5,5 фоизга, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 23 фоиздан 17 фоизга камайтирилди. Амалиёт ўташ муддати эса 12 ҳафтадан 19 ҳафтага узайтирилди.

Шунингдек, магистратурада ўқитиладиган махсус фанлар 18 тадан 10 тага камайтирилди. Бу билан магистрантларнинг ўз устида ишлаши, мустақил изланиши ва илмий тадқиқот олиб бориши учун янада кўпроқ қулайликлар яратилди. Ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича фундаментал ва амалий билимга ҳамда етук илмий салоҳиятга эга магистрлар тайёрлаш мақсадида 2014 йилдан эътиборан олдинги 5 та йўналиш ўрнига 10 та янги йўналиш бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талабларидан келиб чиқиб, юридик кадрлар тайёрлаш тизимида чет тилларни ўрганиш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантириш давр талабига айланди. Хусусан, университетимизда ўқув жараёнига алоҳида мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш амалиёти жорий қилинди.

Талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида университетда ўқитишнинг модул тизимига ўтилди. Айниқса, ўқув машғулотларини замонавий шаклларда, жумладан, "кейс-стади", илмий тақдимот, жамоада ишлаш ва бошқа шу каби илғор таълим технологиялари асосида ташкил этиш йўлга қўйилгани диққатга лойиқ.

Бугунги кунда таълим жараёнига модул тизимининг самарали жорий қилинаётгани бежиз эмас, албатта. Демоқчимизки, модул тизими анъанавий таълим жараёнидан воз кечиш, талаба ва ўқитувчи тенглигини таъминлаш орқали уларни илмий мулоқотга кенг жалб этиш, талабаларнинг мустақил изланишлари, ўз билимларини замонавий фан ютуқлари билан уйғун ҳолда эгаллашларида етарли шарт-шароитлар яратиш каби муҳим мақсадларни ўзида мужассам этган.

Шу билан бир қаторда, дарс машғулотларини ўтказиш методикаси ҳам қайта ташкил қилиниб, машғулотлар нафақат назарий билимлар беришга, балки талабаларнинг амалий кўникмаларини ҳам шакллантиришга йўналтирилмоқда. Ўқув режага маъруза ва семинар машғулотлари билан бирга, амалий машғулот дарслари ҳам киритилди ва унда талабаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳужжатлар билан ишлаш, амалиётдаги аниқ вазиятларга ҳуқуқий баҳо бериш, ҳуқуқ нормаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Талабаларнинг амалий кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мажбурий стажировка ўташ тартиби жорий этилди. Бу, шубҳасиз, талабаларнинг ўқиш даврида олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконини беради. Бундай чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад нафақат миллий, балки энг юксак халқаро талабларга жавоб берувчи малакали ва рақобатбардош юридик кадрларни тайёрлаш ҳисобланади.

Айни вақтда университетда 17 нафар фан доктори, 60 нафар фан номзоди фаолият олиб бормоқда. Бу кўрсаткич профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятининг 40 фоизини ташкил этгани ҳолда, профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 36 ёшдан иборатдир.

Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва бу жараёнда ижобий хорижий тажрибани қўллаш, халқаро миқёсдаги ҳамкорлар билан ишлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар учун хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқиш ва малака ошириш имкониятини яратиш йўлида бугунги кунда университет томонидан етакчи хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Икки томонлама шартномалар асосида бир қатор хорижий таълим муассасалари, жумладан, Японияннинг Нагоя ва Осака, Франциянинг Тулуза университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари университетда япон тили ва ҳуқуқини ўрганиш маркази самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўтган даврда 10 нафар профессор ва ўқитувчиларимиз АҚШ, Германия, Финляндия ҳамда Японияннинг етакчи университетларида тажриба алмашиб қайтди.

Шу кунга қадар хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари мутахассислари билан юриспруденциянинг турли масалаларига бағишланган 20 га яқин учрашувлар ташкил қилинди. Мазкур учрашувлар доирасида АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Нидерландия ва Польша каби давлатларнинг етук мутахассислари томонидан маъруза, давра суҳбати ва "мастер-класс"лар ўтказилди.

Маълумки, ҳар қандай кадрлар тайёрлаш тизимида ёшларни илмга қизиқтириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва янги билимларни ўқитиш жараёнига киритиш юқори аҳамиятга эга.

Давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий масалалари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш мақсадида университет илмий фаолиятини ривожлантириш комплекс дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда юридик фан ва амалиётни ўзаро яқинлаштиришга, илмий-тадқиқот ишларининг сифатини оширишга, илм-фан ютуқларини ўқув жараёнига татбиқ этишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланди. Авваламбор, ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш асосида ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг асосий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда университет илмий-тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Университет таркибий тузилмаларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Илмий-услубий кенгаш ташкил этилди. Илмий фаолият натижаларини ёритиш мақсадида "Юриспруденция" журнали ташкил қилинди. Илмий фаолиятни амалга оширишда илмий ахборот алмашиш майдони бўлиб хизмат қиладиган доимий ишловчи илмий семинарлар фаолияти йўлга қўйилди.

Биргина 2014 йилда таълим даргоҳида давлат илмий-техник дастурлари доирасида 18 та илмий лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган, 2015-2017 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурлари доирасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар танловида иштирок этиш мақсадида 55 та илмий-амалий лойиҳа тайёрланди.

Ўтган йили университетимизда 13 та илмий-амалий конференция, 11 та давра суҳбати, 105 та илмий семинар ташкил этилди. Қарийб 80 та норматив-ҳуқуқий актлар бўйича қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда 5 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 20 та монография, 25 та рисола, 14 та конференция ва давра суҳбати материаллари нашрга тайёрланди. Умумий ҳисобда 460 тадан ортиқ мақола, шундан 67 таси хорижий мамлакатларда чоп этилди. Жорий йилда 70 дан ортиқ ўқув-услубий адабиётлар нашр этилиши мўлжалланмоқда.

Шу ўринда Президентимиз қарорининг ижроси доирасида университет тизимида Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилгани ҳақида ҳам атрофлича тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази томонидан бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳаларида иш олиб борилмоқда. Айни мақсадда марказ фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур доирасида ёш педагог кадрларнинг илмий тадқиқот кўникмаларини оширишга қаратилган илмий-услубий семинарлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Бу семинарларда юридик соҳадаги етук олимлар ўзларининг илмий-методик билим ва кўникмаларини ёш тадқиқотчилар ва ўқитувчиларга ўргатмоқдалар.

Шунингдек, марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга университетимиз ва юртимизнинг бошқа юридик таълим муассасалари ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари ва талабалари жалб этилмоқда. Жамоавий илмий тадқиқотлар, яъни муайян илмий муаммо юзасидан ташкил этилган кичик ишчи гуруҳлар томонидан тадқиқотлар олиб бориш амалиёти йўлга қўйилаётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, марказ ходимлари томонидан 2014 йилда 4 та дарслик, 5 та монография, 2 та рисола, 3 та мақолалар тўплами ва 30 дан ортиқ мақолалар чоп этилди.

Энг муҳими, марказнинг ташкил этилиши фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлди. Фан ва таълимнинг замонавий интеграцияси — ҳар икки соҳанинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиш жараёни бўлиб, бунда фан ютуқларини таълим жараёнига татбиқ қилиш, уларни ўзаро ижобий жиҳатларини бирлаштиришга эришилади.

Ҳуқуқий тадқиқотлар марказининг фаолият юритиши илмий тадқиқотларни сифатли кадрлар билан таъминлашга, университетда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга, илмий-тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига жадаллик билан жорий этиб боришга хизмат қилади. Бинобарин, марказ фаолияти мамлакатимизнинг ҳуқуқ соҳасидаги илм-фанини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади ва кадрлар тайёрлаш сифатида яққол акс этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг юқоридаги қарори асосида бугунги кунда Тошкент давлат юридик университети зиммасига мамлакатимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган юридик кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш стратегик мақсади устувор вазифа сифатида юкланган.

Бу юксак мақсадни амалга оширишда ўқитишнинг модул тизимини ривожлантириш, юридик фан ва амалиётни янада яқинлаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини халқаро илмий майдонга олиб чиқишга эришиш, уларни амалиётга қўллаш самарадорлигини ошириш, мазкур йўналишларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида ғоят муҳим масалани ечишга, яъни биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялашга қаратилган.

Зотан, Президентимиз эътироф этганидек, дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди.

В.ЭРГАШЕВ,
Тошкент давлат юридик университети Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори, юридик фанлар номзоди, доцент

Fuqarolik qonunchiligi

Янги очилган ҳолатлар

қонунийликни таъминлашнинг муҳим воситасидир

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд тартибида кафолатли ҳимоя қилиш суд ҳокимиятининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Эътиборлиси, бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар амалда кутилган самара бермоқда.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда бу борада фуқаровий низоларни белгиланган муддатда қонуний ҳал этишнинг мукаммал тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясига қаратилган бир қатор институтларнинг амалга жорий этилаётгани ҳам бу борада ўта муҳим қадам бўлди. Жумладан, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриб чиқиш ҳам айни шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасига асосан, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тартиби ҳам изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Аниқроқ айтганда, 2014 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Фуқаролик процессуал кодексининг 368-моддаси янги таҳрирда баён этилди ва унга кўра, ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу модданинг аввалги таҳririда ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят берилмаслиги белгиланган эди.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида бериши мумкин.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисол ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, даъвогар К.Матекеев жавобгар Н.Рашидовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган Нукус шаҳри, "Бойсун" кўчасидаги 5-уйни 2013 йил июл ойида коммунал тўловларини тўлаш шарти билан жавобгарга вақтинча яшаб туриш учун берганини, орадан бир йил ўтгач, ўғли оила қурганини сабабли бу хонадон ўзларига керак бўлаётганини қайд этиб, Н.Рашидовни тураржойдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Айтиш керакки, ушбу низони судда кўриш чоғида Н.Рашидов ҳам даъвогар К.Матекеевга нисбатан тураржойнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилди. Яъни у 2013 йил 25 июлда Нукус шаҳри, "Бойсун" кўчасидаги 5-уйни К.Матекеевдан 70.000.000 сўмга сотиб олгани ва тураржойга кўчиб ўтгани, аммо К.Матекеев уйнинг пулини тўлиқ олганига қарамай олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштиришдан бош тортаётганини қайд этиб, ушбу олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2014 йил 10 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган 2014 йил 7 февралдаги суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, жавобгар Н.Рашидовни низоли хонадондан кўчириш белгиланган, қарши даъво эса, рад этилган.

Шундан сўнг Н.Рашидов янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилди. Унинг даъво аризасида қайд этилишича, К.Матекеевга нисбатан низоли тураржойни сотиб, расмийлаштириб беришдан бош тортгани учун жиноят иши қўзғатилган ва суднинг 2014 йил 13 октябрдаги ҳукми билан К.Матекеев Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Н.Рашидов ушбу янги очилган ҳолат бўйича ишни қайта кўришни сўраган.

Айтиш керакки, суд Н.Рашидовнинг даъво аризасини кўриш жараёнида ўз ажрими билан 2014 йил 7 февралдаги ҳал қилув карорини бекор қилди ва Н.Рашидов ва К.Матекеевлар ўртасида тузилган Нукус шаҳри, "Бойсун" кўчасидаги 5-уйнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартибининг янада такомиллаштирилгани фуқаровий низоларни қонуний ва адолатли ҳал этиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Азамат БАЙМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг раиси

қоидалари

унга қатъий риоя этиш турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олади

Суднинг очиқ мажлисида Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан Э.Зокировга нисбатан юритилган жиноят иши юзасидан Пахтакор тумани прокурорининг амнистия актини қўллаш ҳақидаги илтимосномаси кўриб чиқилди.

Илтимосномада Э.Зокировга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги қарори 5-бандини қўллаб, унга жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш сўралган. Шунингдек, Э.Зокиров ҳам ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини амнистия актига асосан тугатишни сўраб судга ариза билан мурожаат этган.

Суд Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан Э.Зокиров томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, шунингдек, унга нисбатан амнистия актини қўллашни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътиборга олди ва прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқарди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, судланувчи Ш.Тоғаев ўтган йилнинг 18 май куни ишончнома орқали укаси Т.Тоғаевга тегишли "Нексия" русумли автомашинани маст ҳолда бошқаргани ва тезликни ошириб юборгани оқибатида "Чимқўрғон-Янгиер" йўлининг 81-километрида ҳалокатга учрайди. Афсуски, ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани оғир кўнгилсизликка олиб келди.

Яъни ҳалокатга учраган автомашина йўлнинг ўнг томонига чиқиб кетган ва ағдарилган. Автомашина салонида йўловчи сифатида кетаётган Н.Нажимов, С.Маллаев ва Ж.Неъматов йўл-транспорт ҳодисасидан олган тан жароҳатлари оқибатида воқеа жойида ҳаётдан кўз юмишган. Ҳайдовчи Ш.Тоғаев ва йўловчилардан яна бири — А.Ҳамзаев тан жароҳати олиб, оғир аҳволда шифохонага келтирилган.

Хавфли қилмиш содир этган Ш.Тоғаев Жиноят кодексининг 266-моддаси 3-қисми "а" ва "в" бандлари билан айбдор деб топилди. Суд Ш.Тоғаевни етти йилга озодликдан ва уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Халқимизнинг "Кўза кунда эмас, кунида синади" деган нақли бежиз эмас. Балки Ш.Тоғаев илгари ҳам маст ҳолда автомобиль бошқарган ёки тезликни ошириб ҳайдаган бўлиши мумкин. Лекин, унинг бу гал йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани туфайли уч кишининг ҳаёти бевақт хазон бўлди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар бошқаларни ҳушёр торттириши ва ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак. Йўл ҳаракати қоидалари инсон ҳаёти ва хавфсизлигининг мустаҳкам, ишончли кафолати эканини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Фазлиддин ПАРДАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Товламачининг тузоғи

Ҳаётда баъзан киши кутилмаган вазият туфайли пулга эҳтиёж сезиб қолиши мумкин. Бундай пайтда сизга ўзининг беминнат ёрдам қўлини чўзиб, оғирингизни енгил қилган кишига нисбатан кўнглингизда чексиз миннатдорлик туяси.

СУД ОЧЕРКИ

Бироқ бунинг акси бўлса-чи?! Яъни кимдир аввалига ўзини гўё ҳожатбардек кўрсатиб, қарз бериш орқали ўзининг чиркин муддаосини амалга оширишни кўзласа-чи?!

Афсуски, ҳаётда баъзан ана шундай кимсалар ҳам учраб туради. Бунга Тошбек Қўзиевнинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) қилмишлари ҳам мисол бўлади.

Кунларнинг бирида А.Кенжаевга 200 минг сўм зарур бўлиб қолди. Шунда унинг ёдига қўшни маҳаллада яшовчи Тошбек Қўзиев тушди-ю, унинг уйи томон йўл олди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Хорижий телеканаллардан бирида машҳур актёрнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатув берилди. Унинг ўлимидан бироз олдин телевидение мухбири билан қилган суҳбати эфирга узатилди.

Актёр умрининг сўнгги йилларида асосан ёлғиз яшаган экан. Биринчи турмуш ўртоғи вафот этган. Иккинчиси билан ажрашган — у анча узоқда, бошқа давлатда истиқомат қиларкан. Ёлғиз ўғли тўғрисида у гапиришни истамади.

Мухбир машҳур артистнинг сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қиларкан, унинг дала ҳовлисида ўтган ёлғиз кунлари, итлари билан бирга сайр қилиб юргани, улар билан овунгани, ҳар бир итининг феъл-атвори ҳақида мириқиб, батафсил суҳбатлашди.

Кўрсатувни томоша қиларканман, хаёлимдан "шу ҳам ҳаёт бўлдими?" деган ўй ўтди. Албатта, таниқли санъаткор ҳаётлигида унинг ижодига, истеъдодига барча тан берган. Аммо кексайганида шу тарзда ҳаёт кечиргани очиғи кишига оғир ботади.

2015-yil — Keksalarni e`zozlash yili

Ардоқлаган ардоқ кўради

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оилани мустаҳкамлаш, инсон манфаатларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ривожланган давлатларда инсоннинг ёлғизлашуви кучаяётган, бу жиддий оқибатларга олиб келаётган, оила қадриятларига путур етаётган бир пайтда юртимизда оиланинг маънавий, руҳий ва жисмоний соғломлиги, ёш авлод камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилинаётгани таҳсинга лойиқдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши замирида ҳам ана шу эзгу ният мужассам.

Халқимизнинг бошқа миллатларникига ўхшамайдиган, ўзига хос урф-одатлари, анъана ва удумлари, турмуш тарзи, қадриятлари борки, улар билан ҳар қанча фахрлансак, ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Конституциямизнинг алоҳида боби "Оила" деб номланган. 64-моддада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, 66-моддада вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги ёзиб қўйилган. Бизнингча, дунёдаги ҳеч бир мамлакат конституциясида ота-оналар ва фарзандларнинг бурчларига бу қадар эътибор билан ёндашилмаган.

Оила жамиятнинг кичик бўғини. Унинг ўз қонуниятлари, анъаналари, ҳар биринг ўзига хос турмуш тарзи бор. Инсонлар бир-бирига ўхшамаганидек, бир оила иккинчи оиладан фарқланади, ранг-баранг турмуш тарзига, феъл-атворга эга минглаб-миллионлаб мана шундай "бўғин"лар бирлашиб, бир бутунликда катта мамлакатни ташкил қилади. Мамлакатда бахтиёр ва фаровон оилалар қанча кўп бўлса, бундай давлат бой ва қудратлидир. Шунинг учун ҳам оила мустаҳкам бўлса, жамият, давлат мустаҳкам бўлади, деймиз.

Халқимиз азалдан оилани муқаддас, деб билган. Оилада маънавий соғлом муҳитни сақлашга, унинг фаровонлигини таъминлашга, фарзандлар тарбиясига ҳамиша эътибор билан қараган. Боиси, бола тарбияси жуда нозик масала. Улуғ аллома Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, ҳаёт-мамот масаласидир.

Ҳаётий тажрибадан биламизки, улғаяётган фарзанд учун дунё бу оиладир, у сизнинг, ота-онанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан иқтибос олади, унга тақлид қилади. Ёлғонингиздан ёлғонни, меҳр-оқибатингиздан яхшиликни ўрганади. Мурғак онг, вужуд бутун ташқи оламни оиласига, сизга таққослаб таҳлил қилади. Охир-оқибат, инсон кексайганда унинг фаолиятига фарзандларининг жамиятда тутган мавқеига қараб баҳо берилади.

Турмуш тарзимиздаги ўзига хос бир жиҳатга бошқа халқлар ҳавас қилса арзийди. Бу бир хонадонда бува-буви, ота-она, фарзандларнинг биргаликда яшашидир. Ёш оила — келинкуёв йигитнинг ота-онаси билан бирга яшайди. Бунинг яхши томони, ёшлар мустақил уй-жой қилгунларича ота-она назоратида, маълум маънода қарамоғида бўлади. Қайнона келинчакка уй-рўзғор юмушларида, бола тарбиясида кўмаклашади. Ёш оила фарзандлари 5-6 ёшга етиб, алоҳида турар жой қилиб, ота-онасидан мустақил яшашга изн сўраганида, энди уларнинг ўзлари ҳам анча улғайиб қолишган бўлади. Ёшлар ота-оналари билан бирга яшаганларида турмушдаги қийинчиликлар, рўзғор ташвишларини, турли синовларни нисбатан енгил ўтказади. Бундай оилада ўсган фарзандлар ота-онага, бува-бувига, қолаверса, бошқаларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиб вояга етади.

Ўзидан каттага ҳурмат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, қадрият даражасига кўтарилган миллий фазилати. Бунинг қирраларидан бири ёши улуғ инсонларни қадрлаш, уларга ҳурмат-иззат кўрсатишдир. Масалан, отага ҳурматни олайлик. Ҳар бир оилада турли қийинчиликлар бўлиши табиий. Аммо ўзбек хонадонида отанинг ўрни ўзгача — фарзанд вояга етиб, қўлидан иш келадиган, рўзғорини ўзи тебратадиган бўлганда ҳам ота-она билан бамаслаҳат иш қилади. Зотан, кексаларни ардоқлаган, эъзозлаган инсоннинг ўзи ҳам ардоқ кўради, эъзозланади. Бу ҳаётий ҳақиқат.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб номлагани пиру бадавлат инсонларни эъзозлашдек халқимизга хос фазилатларни улуғлашда улкан аҳамият касб этади. Кексалар, ёши улуғ отахон ва онахонлар хонадонларимиз фариштаси, оилаларимизнинг тўкинлиги, рўзғоримиз баракаси сабабчиси.

— Биз Юртбошимиз юритаётган тинчликпарвар, адолатли сиёсатдан мамнунмиз, — дейди қашқадарёлик фахрий ўқитувчи Иброҳим Шодиев. — Аллоҳга шукр, ўн фарзандни вояга етказиб, элга қўшдик. Ҳаммасининг ўз уйи, иши, оиласи бор. Невара-чеваралар ардоғида яйраб-яшнаб кексалик гаштини сурмоқдамиз. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! Буларнинг барчаси учун Президентимизга минг раҳмат!

Ҳа, мамлакатимиздаги тинчлик, фаровонлик, тараққиётнинг замирида жонажон Ватанимиздаги миллионлаб оилаларнинг тотувлиги, осойишталиги ётибди. Ҳар куни тонгда азим пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан ўтиб, тобора гўзаллашиб, кўркамлашиб бораётган Тошкент шаҳри мўъжизаларидан завқланиб, хизматга ошиқар эканман, кўнглим бир дунё фахр ва ғурурга тўлади: мен шундай озод ва тинч мамлакатнинг фуқаросиман!

Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

Дунёда ҳар бир халқ ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари, қонунлари борки, булар четдан қараган кишига баъзан ғаройиб ва қизиқ туюлиши ҳам мумкин.

Биз билган ва билмаган дунё

ҒАРОЙИБ ОЛАМ

Масалан, АҚШнинг Питсфильд шаҳрида ҳар куни роппа-роса соат 21.00да шаҳар бўйлаб кучли сирена овози янграйди. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки айни шу лаҳзадан бошлаб, 17 ёшгача бўлган ўсмирлар кўчага чиқиши тақиқланади. Негаки, шаҳар кенгаши ёшлар ўртасида кенг тарқалаётган гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ана шундай кескин қарор қабул қилган. Ўсмирлар кечки пайтда фақат ота-оналари ҳамроҳлигида сайрга чиқиши мумкин. Айтиш керакки, айнан шундай тартиб Детройт, Филадельфия ва Чикагода ҳам жорий қилинган.

Кундалик турмушда одамлар бир-бирлари билан учрашиб қолганда, аввало, ўзаро ҳолаҳвол сўрашиши табиий ҳол саналади. Лекин буни қарангки, дунёда айнан ана шундай ҳолаҳвол сўрашишнинг ҳам минг бир хил шакли ва усуллари бор экан. Масалан, Африканинг Масаи қабиласи аъзолари бир-бирлари билан учрашиб қолишганда "Подангизнинг аҳволи қандай?" деб сўрашар экан. Чунки ушбу қабила вакиллари фақат чорвачилик билан шуғулланади.

АҚШнинг Сан-Диего шаҳрида ва унга яқин бўлган туманларда қечқурун соат 23.00 дан кейин уйларда, айниқса, кўча ва майдонларда чироқ ёқиш қатъий тақиқланган.

Бир қарашда ғалати туюлган бу талабнинг ўзига хос жиҳатлари бор, албатта. Чунки ушбу ҳудудда тунги осмоннинг қоронғу бўлиши Сан-Диегонинг шимоли-шарқидаги Паломар тоғида жойлашган обсерваторияда астрономик кузатувларни муваффақиятли ўтказишни таъминлайди.

Индонезиянинг Бабар ороли аҳолиси эса, почта харажатлари учун ҳақ тўланганлиги белгисини тан олишмайди. Улар одатда, конверт устига марка ўрнига қушларнинг чиройли патини ёпиштириб қўйишади. Умуман олганда, бу ўлкада одамлар бир-бирига жуда камдан-кам ҳолларда хат ёзишади. Шунинг учун почта маъмурияти бу ўзига хос янгиликка эътибор бермайди. Лекин шунга қарамай, патли хатлар манзилига ўз вақтида етиб боради ва хат олувчидан ҳеч қандай ҳақ тўлаш талаб қилинмайди.

Япония пойтахти Токио шаҳрида эса, енгил суҳбат клуби анчадан буён фаолият кўрсатади. Бу масканнинг ўзига хос томони шундаки, унда фақат чой ёки салқин ичимликлар ичишга рухсат берилади. Шунингдек, ушбу клубга ташриф буюрган мижозларга иш ва бошқа ташвишлар ҳақида гапириш тақиқланади. Суҳбатларнинг асосий мавзуси — болалар, оила ҳақида бўлади, холос. Бу ерга доимий келувчиларнинг фикрига кўра, бундай дам олиш ҳар қандай чарчоқни чиқариб, киши мазза қилиб дам олар экан.

Африка қитъасининг Конго дарёси соҳилларида дунёда энг митти кишилар — пегмелар истиқомат қилишади. Уларнинг бўйлари атиги 120-145 сантиметрга тенг бўлиб, бу миттивойлар асосан тропик ўрмонларда истиқомат қилади. Пегмелар овчилик ҳамда истеъмол учун яроқли ўсимликларни йиғиш билан шуғулланишади. Улар ажойиб овчилар бўлгани боис ўз маҳоратларини қўшни элатларга ҳам ўргатиб боришади. Олимларнинг фикрича, пегмелар тропик Африканинг туб аҳолиси ва маълум антропик типга мансуб халқ ҳисобланади.

Бугунги кунда инсоният тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этганига қарамай ҳалиҳануз ибтидоий талабларга амал қилиб яшайдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Аниқроқ айтганда, Молукка ярим оролидаги тропик чангалзорларда яшайдиган қабилада ана шундай тартиб ўрнатилган. Бу қабиланинг азалий удумига кўра, ер оиладаги эркакларга эмас, балки қизларга мерос қилиб қолдирилади. Ажабланарли томони шундаки, бу қабила ҳар жиҳатдан ривожланган аҳоли яшайдиган ҳудудга яқин жойлашган бўлишига қарамай улар бу ерга йилда бир марта тиш шифокорининг қабулига тилла тиш қўйдириш учун келишади, холос. Бу ҳам бежизга эмас. Чунки қабила аъзолари тилла тишни "ишончли омонат касса" деб билишади. Охир-оқибат эса, мол-мулк қизларга, тилла тишлар эса, ўғилларга мерос бўлиб қолади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Maslahat

Меҳнат таътили

у қандай тартибда берилади?

Амалдаги Меҳнат кодексининг 143-моддасида, таътилларни бериш тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек, ушбу кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътилларни бермаслик тақиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ,
Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

Jinoyatga jazo muqarrar

Товламачининг тузоғи

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Акмалга Т.Қўзиев ўта мулойим ва ҳожатбарор одамга ўхшаб кўринди. Бунинг устига у Акмални илиқ қарши олди ва сўзларини жимгина тинглади.

— Майли, бир ой муддатга 200 минг сўм қарз бераман, — деди у. — Фақат бир шартим бор. Сиз бир ойдан сўнг олган пулингизни 400 минг сўм қилиб қайтарасиз. Бундан ташқари гаровга ҳам ҳужжат қолдирасиз.

А.Кенжаевга пул жуда зарур эди. Шу боис у Т.Қўзиевнинг шартларига индамай рози бўлди ва гаровга қўйиш учун ҳужжат олиб келгани уйига йўл олди.

Ўша куни А.Кенжаев ўзининг ҳамда турмуш ўртоғининг фуқаролик паспортини олиб, Т.Қўзиевга учрашди. Бироқ у борйўғи 200 минг сўм қарз олиш учун шунча ҳужжатни гаровга бериш шартмикан, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади.

Қисқаси, у олиб келган ҳужжатларини Т.Қўзиевга гаровга қолдириб, икки юз минг сўм қарз олди.

Орадан ҳадемай бир ой ҳам ўтиб кетди. А.Кенжаев оғзаки келишувга кўра, 400 минг сўмни олиб, Т.Қўзиевга учрашди. У қарзини тўлагач, гаров сифатида қолдирган ҳужжатларини беришни сўради.

Аммо кутилмаганда Т.Қўзиевнинг авзойи ўзгарди.

— Қарзни бир кун кечиктириб олиб келдинг, — деди у. — Энди айбингни ювишинг керак.

Т.Қўзиев Акмалга тегишли ҳужжатларни қайтариб бермай яна пул ундириш мақсадида товламачилик қилаётганди. Шундан сўнг А.Кенжаев Т.Қўзиевнинг талаби билан унга телевизори учун 150 минг сўмлик "Topsat" маркали антенна тарелкаси ва "Topfield" маркали тунер ҳам олиб берди.

Аммо товламачи Т.Қўзиев бунга ҳам қониқмади, яна 200 минг сўм сўради. Акмал "зора шундан кейин гаровга олган ҳужжатларни қайтариб беради", деган ўйда унинг бу талабини ҳам бажарди.

* * *

Буёғини сўрасангиз, Т.Қўзиев усталик билан қўйган фириб тузоғига фақат А.Кенжаев тушган эмасди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Г.Абдуллаева ҳам Тошбек Қўзиевдан бир ой муддатга 900 минг сўм қилиб қайтариш шарти билан 600 минг сўм қарз олганди. У гаровга ўзининг фуқаролик паспорти ва уйининг кадастр ҳужжатларини қўйганди. Т.Қўзиев берган қарзини ўз вақтида фоизи билан қайтариб олган бўлса-да, Акмалга қўллаган товламачилигини Г.Абдуллаевага нисбатан ҳам ишлатди. Яъни Т.Қўзиев олган қарзини беришни кечиктирганини баҳона қилиб Г.Абдуллаевадан яна 100 минг сўм ундирди.

Халқимизда "Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади" деган ҳикмат бор. Лекин Г.Абдуллаева муқаддам товламачи Тошбек Қўзиевнинг "совунига кир ювгани" ёдидан чиққан экан. Чунки у орадан кўп ўтмай яна эски танишидан 1 минг 500 АҚШ доллари олгани тўғрисида тилхат ёзиб бериб, бир ой муддатга 2 миллион сўм қарз олади.

У белгиланган муддатда қарзни қайтариб, Т.Қўзиевдан тилхатни қайтариб беришни сўрайди. Бунга жавобан Т.Қўзиев тилхатни йўқотиб қўйганини айтади. Аслида у алдаётганди. Чунки орадан кўп ўтмай унинг ёлғон гапиргани маълум бўлади.

Гап шундаки, орадан бир ҳафта ўтгач, Т.Қўзиев кутилмаганда Г.Абдуллаеванинг ишхонасига важоҳат билан кириб боради. У ўзини жабрдийда қиёфага солиб, Г.Абдуллаеванинг ҳамкасблари олдида қарз олиб бермай юрганини айтади ва ҳақорат қилишгача боради. Товламачи Т.Қўзиев ўзининг сўзларини тасдиқлаш учун Г.Абдуллаева ёзган тилхатни ҳам ҳаммага кўрсатиб чиқади. Бундан ҳам ёмони, у Г.Абдуллаевадан 2 минг 500 АҚШ доллари беришни талаб қилади.

Ночор қолган Г.Абдуллаева товламачининг қистови билан 5 миллион 269 минг 825 сўм беришга мажбур бўлади.

* * *

Афтидан, Г.Абдуллаевага қўллаган ҳийласи иш бергани Т.Қўзиевни руҳлантирган кўринади. У қўшни маҳаллада яшайдиган Р.Шерматова бир миллион сўм қарз сўраб келганда очиқ чеҳра билан кутиб олади. У Р.Шерматовага қарзга пулни фоизсиз беришини, фақат гаров сифатида фуқаролик паспорти ва тилла тақинчоқларини келтиришини айтади. Т.Қўзиевнинг сўзларини эшитиб, ниҳоятда қувонган Р.Шерматова шу куннинг ўзидаёқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга бир миллион беш юз минг сўмлик тилло тақинчоқларни ҳам олиб келиб, унга беради.

Бироқ Р.Шерматованинг ўйламай ташлаган қадами ўзига жуда қимматга тушди. Гап шундаки, у олган қарзини тўлиқ қайтариб берган бўлсада, Т.Қўзиев қарзни беришни ўн беш кунга кечиктирдинг, деган баҳонада уч марта 100 минг сўмдан 300 минг сўмлик бозорлик қилиб келишни талаб қилади.

Бу товламачилик етмагандек, Т.Қўзиев Р.Шерматованинг ишхонаси ва уйига қайта-қайта бориб, қарзингни қачон тўлайсан, дея унинг ҳамкасблари ва қўни-қўшнилар олдида обрўсини тўкишга уринади. У бу товламачилиги эвазига қарзга берган 1 миллион сўмидан ташқари 550 минг сўмни қўлга киритади. Бундан ташқари у жабрланувчининг гаровдаги ҳужжатлари билан бирга 1 миллион 500 минг сўмлик тилло тақинчоқларини ҳам қайтариб бермайди.

(Давоми кейинги сонда)

Эгамберди ОЛМОСОВ,
жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.
Буюртма: Г-122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 9724.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰. Топширилди: 23³⁰